



Чирчиқ дарёси Чотқол (чап) ва Пском (ўнг) дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу дарё ўз сувини Талас Олатови тизмасига кирувчи Угом, Пском, Жети-Сандал, Чотқол тоғ тизмаларидан тўплайди. Дарёнинг узунлиги 174 км, сув йиғилиш майдони 14240 км². Чирчиқнинг иккита йирик ирмоқлари: Угом дарёси (ўнг) ва Оқсоқ-Отасой (чап) дарёлари бўлиб ҳисобланади. Қолган ирмоқлар сув даврида ва сел ўтганда ўз сувларини Чирчиқга қисман еткази, қолган пайтларда эса етказа олмайди. Ўртача йиллик сув сарфи 219 м³/с, оқим модули 20,8 л/с км², сувнинг ўртача лойқалиги 0,52 кг/м³. Йиллик оқимга нисбатан март-июн ойларида 52,9 %, июл-сентябр ойларида 31,5 % ва октябр-феврал ойларида 15,6 % оқим оқиб

Оҳангарон дарёси




- *Оҳангарон дарёси* Тошкент вилоятидаги йирик дарёлардан ҳисобланиб Чотқол ва Қурама тоғ тизмаларидан бошланади. Оҳангарон дарёсига Боксуксой, Турганбошсой, Шавазсой, Дукентсой, Қорабаусой, Акчасой, Наугарзансой, Жигаристонсой, Қайроғочсой, Бешсой, Нишбошсой, Гушсой, Ирташсой ва бошқа жилғалар қўшилади
- *Оҳангарон дарёси* Сирдарёнинг ўнг қуйилувчи йирик ирмоқларидан бири саналади. Дарёнинг умумий узунлиги 223 км ни ташкил қилади. Ҳавзасининг сув йиғиш майдони Тошкент сув омбори тўғонигача 4620 км² га тенг. Оҳангарон дарёси қор ва музликлардан тўйинувчи дарёлар сирасига киради. Оҳангарон дарёсини асосий йиллик оқим миқдори (70% гача) март-июл ойларига тўғри келади. Оқимнинг камайиши эса август-сентябр ойларида бошланади. Йиллик оқим миқдори тўғон створида 335 (кам сувлилик даврида) млн.м³ дан 1444 (кўп сувлилик даврида) млн.м³ гача ўзгариб туради.


Оҳангарон дарёсининг турли сувлилик йиллардаги гидрографи



Оҳангарон дарёсининг ўртача кўп йиллик сув сарфини ойлар бўйича тақсимланиши



Сурхондарё ҳавзаси




Сурхондарёнинг гидрографик таърифи

- Сурхондарё ҳавзаси шимолда Ҳисор тоғ тизмаси, ғарб ва жануби-ғарбда унинг тармоғи бўлган Бойсун тоғлари ва шарқда Боботоғ билан чегараланади.
- Сурхондарё Тўпаланг ва Қоратоғдарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Тўпаланг дарёнинг тоғлардан чиқиш еридаги ўртача кўп йиллик сув сарфи $52 \text{ м}^3/\text{с}$, Қоратоғдарёники эса $23 \text{ м}^3/\text{с}$ дан иборат. Сурхондарёга ўнг томондан иккита йирик ирмоқ – Сангардак ва Хўжаипак дарёлари келиб қуйилади. Хўжаипакдан жанубда асосан сел вақтида сув оқадиган бир қанча сой ва жарликлар бор ҳолос, улардан йириклари Бойсунсой, Оққопчиғой ва Тошкўприксойлардир.
- Сурхондарё ҳавзасининг тоғли қисми 8230 км^2 майдонга тенг, унда ҳосил бўладиган оқимнинг умумий миқдори ўрта ҳисобда $120 \text{ м}^3/\text{с}$ га, ўртача оқим модули $14,6 \text{ л}/\text{с км}^2$ га тенг. Сурхондарёнинг Мангузар қишлоғи ёнида йиллик оқимнинг $65,2 \%$ и март-июн, $12,8 \%$ июл-сентябр ва қолган 22% октябр-феврал ойларида оқиб ўтади. Максимал сув сарфи $700 \text{ м}^3/\text{с}$, минимал сув сарфи $0,1 \text{ м}^3/\text{с}$ га тенг. Ўртача лойқалиги $2,90 \text{ кг}/\text{м}^3$, оқизикларнинг ўртача кўп йиллик миқдори $193 \text{ кг}/\text{с}$ ёки йилига 6080 минг тоннага тенг.

Кофирнихон ва Шерободдарёларнинг гидрографик таърифи

- **Кофирнихон** дарёсининг суви асосан Хисор тоғ тизмасининг жанубий ён бағрида ҳосил бўлади. Узунлиги 405 км, ҳавзасининг умумий майдони 11590 км². Обибарзанги ирмоғининг қуйилиш жойига қадар Обисахид номи билан оқади. Кофирнихон дарёсининг Хисор водийсига чиқавериш жойида сув йиғилиш майдони 3040 км², унинг ўртача баландлиги 2753 м. Бу дарёнинг сув йиғилиш майдони 4000 м дан баланд бўлган жойлар атиги 4,7 %, ана шунинг учун Кофирнихонда тўлин сув даври эртароқ бўлиб ўтади.
- Йиллик оқимнинг 59,3 % март-июн, 30,3 % июл-сентябр ва қолган 10,4 % октябр-феврал ойларида оқиб ўтади. Кофирнихон дарёсининг тоғлардан чиқиш еридаги ўртача кўп йиллик сув сарфи 104 м³/сек. га, ўртача оқим модули эса 34,2 л/сек.км² га тенг. Максимал сув сарфи 781 м³/сек., минимал сув сарфи эса 12 м³/сек. га тенг.
- **Шерободдарё** Амударёнинг унга сув келтириб қуядиган охириги ирмоғидир. Бу дарё Бойсунтоғ ва унинг давоми бўлган Қуҳитанг тоғларининг шарқий ён бағрида жойлашган. У Иргойли ва Қизилсой дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Дарёнинг умумий узунлиги 186 км, сув йиғилиш майдонининг ўртача баландлиги 1495 м, сув йиғилиш майдони 2950 км², ўртача кўп йиллик сув сарфи 7,5 м³/с, оқим модули 2,55 л/с км² га тенг. Бу дарёнинг ўзига хос хусусияти шундаки, сув йиғилиш майдони паст бўлганлигига қарамадан оқимнинг йил ичида текис тақсимланганлигидадир. Оқим фасллар давомида бир текис тақсимланади

Қашқадарё хавзаси



Қашқадарёнинг гидрографик таърифи

- Қашқадарё ҳавзаси шимол ва шимоли шарқда Зарафшон, шарқда Ҳисор тизмаларининг ғарбий тармоқлари билан, жануб ва жануби шарқда Бойсун тоғлари билан чегарадош бўлиб, ғарбда у Қарши даштларига туташиб кетади. Тоғликдан чиқиш ерида Қашқадарёнинг сув йиғиш майдони 468 км^2 , ўртача баландлиги 1823 м , ўртача кўп йиллик сув сарфи $5,46 \text{ м}^3/\text{с}$, ўртача оқим модули $11,7 \text{ л/с км}^2$. Йиллик оқимнинг 64% и март-июн, $11,7 \%$ июл-август, $24,3 \%$ октябр-феврал ойларида оқиб ўтади.
- Тоғлардан чиқиш жойидан то Қарши воҳасигача бўлган қисмида, яъни унинг ўрта оқимида Оқсув, Яккабоғ ва Танхоз дарёлари келиб қуйилади.